

## **МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР РИВОЖИДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯЛАР УЙҒУНЛИГИ**

**Ш.Б.Элбоева**

Қарши Иқтисодиёт ва педагогика университети  
катта ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур илмий тадқиқотда умуминсоний ва миллий ғоялар тамаддуни таҳлил қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизга ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратишдан иборат эканлиги асосланди.*

**Калит сўзлар:** умуминсоний тамойил, миллий ғоя, идеал жамият.

### **ABSTRACT**

*The culture of universal and national ideas was analyzed in this research. At the same time, it was argued that the supreme goal of the reforms implemented in Uzbekistan is to create decent living conditions for every citizen of our nation.*

**Key words:** universal principle, national idea, ideal society.

### **КИРИШ**

Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро миллатидан қатъи назар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини англаб етишга ва унинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади. Бунда миллий ғоянинг ўз ўрни бор. Хусусан, комил инсон ғояси-ҳам миллий, ҳам умуминсоний моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Ижтимоий ҳамкорлик эса-мурося фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб бўлган шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Демак, кўп миллатли бўлган Ўзбекистон учун “халқ фаровонлиги”, “ижтимоий ҳамкорлик” ва “комил инсон” ғоялари бирон-бир инсон, гуруҳ ёки миллатнинг манфаатига эмас, барча халқ ва элатнинг мақсад ва манфаатларига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Миллий Маданий Марказлар Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллатлар, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига ижтимоий ихтиёрий ташкилотлари эканликларини ўзининг самарали ва серқирра фаолиятлари билан исботладилар. Юқоридан берилган кўрсатма асосида эмас, балки пастдан, миллий гуруҳлар оммаси томонидан кўрсатилган ташаббус асоси ишни ташкил этаётганликларини инобатга олиб, 1989 йил Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошида, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш мақсадида Республика Миллатлараро Маданият Маркази

ташкил қилинган эди. Миллий маданий марказлар сони ва фаолият турларини ўсиб бораётганини кўзда тутиб, 1993 йил 13 январида Республика миллатлараро маданий маркази Республика Миллатларо Байналмилал Маданий Марказга айлантирилди. Натижада ташкилотлар мустақил нодавлат муассасага айланди. Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаровий жамият талаблари даражасида миллий сиёсат юргизишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари миллий истиқлол ғоясини инсонларнинг кундалик турмуши, ҳаёт тарзи, фаровонлигини моддий ва маънавий жиҳатлари билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам назарда тутиши керак. Турли миллат вакиллари томонидан буни тўғри англаб етилиши, миллий истиқлол ғоясини тўғри тушуниб олишга ёрдам беради. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон жамиятининг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этади “бу ғоя - ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни ватан равнақи, юрт тинчлиги, каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади“.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Дарҳақиқат ҳар бир миллат вакили ўзининг ақл заковатини Ўзбекистонда халқ фаровонлигини ошириш учун сафарбар этиши мамлакатнинг ўзига хос бойлигидир. Ўзбекистоннинг жуғрофий-стратегик имкониятлари ва бой табиий хомашё-ресурсларидан фойдаланиши ҳам буни тақозо этади. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, бозор иқтисоди муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Масалан, ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хомашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон кидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Республика олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича эса 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11 ўринда, уран захираси бўйича 7-8 ўринда туради. Улардан фойдаланишда турли миллат вакиллари ўз салоҳиятларини ишга солмоқдалар. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Миллий ғоямизнинг ижтимоий характери, яъни халқ орзу-умидлари, эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ эканлиги фақат фалсафий таҳлил натижасида кенгроқ ва чуқурроқ кўринади. Шу боис мустақиллик арафасида ва мустақилликка эришилган дастлабки йилларда миллий ғоямиз учун муайян ҳаётий замин, эҳтиёж ва кейинчалик шарт-шароит шаклланди. Миллий ғоягина халқни бирлаштирувчи байроқ, дастур бўлиши мумкин. Миллий ғоя халқ дастурининг ҳаётбахш ва илҳомлантирувчи таъсири шундаки, бугун халқда

миллий ғурур, ифтихор туйғуси қайта тикланмоқда, асрий орзулар ушалмоқда. Шу ўринда яқин ўтмишдаги илғор зиёлиларимиз жаҳидлар томонидан миллий ўзликни англаш, турли диний ақидапарастларнинг салбий таъсирини миллий таракқиёт учун заифлаштиришга қаратилган саъйи-ҳаракатларини эшлаш жоиз. Миллий ғоя ўз эзгу мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида маънавий асос, ҳар бир фуқаро учун ҳаёт дастури бўлиб бормоқда. Холисона айтиш мумкинки, мустақилликка эришилгандан сўнг ховлиқиб демократияни “қўйиб юборган”, ўз фуқароларига, сиёсий субъектларга “демократияни қучоғинга сикқанича ол!” деб ижтимоий янгилашиш жараёнларини тезлаштиришга уринган давлатлар доғда қолишди – турли этник ва диний зиддиятлар, сепаратизм, уюшган жиноятчилик, терроризм каби ҳодисалар гирдобига тушиб қолишди. Буни Россия давлати мисолида ёрқин кузатиш мумкин. Россиянинг хушёр, миллат тақдири ҳақида ўйлайдиган зиёлилари, ҳатто черкови ҳам миллатни гиёҳвандлик, алкоголизм, этник алоҳидалик, шовинизм, зўравонликка мойиллик каби инсон ва жамиятни майиб қиладиган қусурлардан тезроқ қутқариш, жамият истиқлоли ҳақида қайғуриш тараддудига тушиб қолишган бўлиб, улар рус жамиятини бирлаштирувчи миллий ғоя зарурлигини тобора чуқур тушуниб етмоқдалар. Мамлакат сиёсий майдонида фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам ўз сайловолди дастурларига киритаётганлиги ҳам бежиз эмас. “Единая Россия”, “Справедливость” деган сиёсий партияларнинг номланиши, фаолият дастури ҳам айнан шуни кўрсатади, ушбу сиёсий партиялар Россия Федерациясининг барча субъектларини бошини қовуштириш, жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш, миллатни маънавий ва жисмоний соғломлаштириш устида тинимсиз иш олиб бормоқдалар. Ўз навбатида, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг – “Мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш; хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш; миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш”<sup>35</sup> каби прагматик вазифалар янада такомиллаштирилиб, аниқ сиёсий вазифалар белгилаб берилди. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май. Халқимиз яратувчанлик

фаолиятининг меваси– миллий ғоямиз турли миллатлар ва диний эътиқод вакилларининг бир оила бўлиб яратувчанлик, ижодкорлик йўлида меҳнат қилишига ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий ва ҳам маънавий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими–халқимиз миллат сифатида тарихий ўзлигини англамоқда, “ўзи бек” лигини тобора мустаҳкамламоқда, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнини сақлаб қолишга ва бу буюк ўрнини абадийлаштиришга уринмоқда. “Миллий онг, миллий таффакур ва миллий ўзликни англашдан иборат бўлган учликка амал қилмаган, уни ўзида акс эттирмаган ёхуд уни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашига йўналтирилмаган ғоя ўзига миллий ғоя мақомини ҳам ололмайди”. Миллий ғоянинг асосий вазифаси – жамият аъзоларини бирлаштириш (интеграция) функциясидир. Миллий ғоя титул миллат ғояси эмас. Айрим холларда журналистлар, айниқса ҳис-туйғуларни уйғотишга мойил соҳа вакиллари – шоирлар ва санъаткорлар миллий-этник омилга кўпроқ урғу берадилар. Бундай хатти-ҳаракат ва позиция хатарли ва номақбулдир. Миллий истиқлол мафқураси ва миллий ғоямизнинг ўзагини шахс, индивид ва жамият томонидан миллий ўзлигини англаши ташкил қилади. Миллий ўзликни англаш концепциясининг назарий ва амалий, хусусан илмий методологик қиймати шундаки, у ижтимоий-фалсафий тушунилса миллатчилик, миллий худбинлик ёхуд шовинизмга эмас, балки этник мансубликни, миллий бирликни англаш орқали минтақавий ўзликни ҳам англаш ёки илмий тил билан ифодалаганда минтақавий идентификация қилиш туйғусига олиб боради. Бу эса фақат мамлакат доирасидагина эмас, балки минтақа миқёсида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарор ривожланиш муҳитини шакллантиради. Миллий ва диний “толерантлик” яъни бағрикенглик ҳақида миллий ва минтақавий ўзликни англашсиз гапириш мумкин эмас. “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 23 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида бугунги кунда республикамизда фаол “халқ дипломатияси” асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижиймамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданиймаърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятини Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34та дўстлик жамиятлари мувафаққиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро

ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Дарҳақиқат, ҳар қандай миллат бошқа миллатлар билан ўзаро мулоқотсиз, ҳамкорликсиз ўзлигини англаши гумон.

Миллий ўзликни ангаш алоҳида ҳодиса бўлиб, методологик жиҳатдан алоҳидалик, яқкалик ва умумийликнинг ўзаро диалектикасига асосланади. Шу ўринда В.Қўчқоровнинг миллий ўзликни англаш ижтимоий-сиёсий жараёнларсиз мумкин эмас, улар балки узвий алоқадорликда бўлади, деган фикрига қўшилиш мумкин. Бундай ёндашувнинг афзаллиги ва сиёсий жиҳатдан тўғрилиги шундаки, миллий ўзликни англаш бирон бир этник гуруҳ ёки бирлик томонидан ўзининг бошқалардан устунлигини эмас, балки улар билан тенг ҳуқуқлилигини тўғри тушунишга олиб келади. Бу эса кўпмиллатли ва конфессияли ижтимоий маконда бениҳоят ўринлидир. Зеро миллатнинг умумий ижтимоий маконда катта-кичиги бўлмайди, агар демократия принциплари ушбу маконда қарор топган бўлса миллатлар ўртасида ўзаро тенглик ҳуқуқи мавжуд бўлади. Бу ерда ҳеч қандай миллат ёки элат эмас, балки фақат қонун устувор бўлади, қонун олдида барча кичик-катта миллатлар тенг ҳуқуқли бўлади. Ўзбекистонда шакллантирилаётган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ҳам айнан шундай принципга таянадик, диёримизда истиқомат қилувчи юздан зиёд миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳити мана чорак асрдан ошиқ вақт сақланиб келмоқда. Ташқи кучларнинг мамлакатимиз ва минтақамиз миқёсида миллатлараро низо чиқариш, биродаркуш фуқаролар уруши оловини ёқишга уриниши олиб борилаётган миллий сиёсатимиз, унинг сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан илмий асосда эканлиги туфайли чиппака чиқмоқда. Ташқи кучлар қанчалик ҳаракат қилмасин, уларнинг миллий низо чиқаришга уринишлари беҳуда кетмоқда. Зеро, Президентимиз Мирзиёев ташаббуси билан давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Бу истиқболда барча соҳаларнинг ривожини учун ҳам кенг имкониятлар очмоқда. Марказий Осиё минтақасида юзага келган вазиятга тўғри баҳо берган Шавкат Мирзиёев илк расмий ташрифини ҳам айнан қўшни мамлакатларга уюштирди ва қўшнилар билан муносабатни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши деб белгилади. Шу билан қисқа вақторалиғида қўшни республикалар билан муносабатларда пайдо бўлган совуқликни эритган президент қўшнилар билан ҳар соҳада ҳамкорликни ривожлантириш мумкинлигини амалда исботлаб берди. Масалан, Барселона халқаро муносабатлар марказининг экспертлари эътироф этишича, “Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзига хос баҳорни бошдан кечирмоқда. Улар мамлакатимиз етакчисини дунёдаги аҳволга таъсир

кўрсатишга қодир буюк шахслар рўйхатига киритишди. Президентлигининг дастлабки йилидаёқ республика раҳбари турли-туман башоратларга қарамай, давлатни янада очиқроқ қилишга интилди ҳамда бунинг натижаси кундалик ҳаётимизда намоён бўлмоқда. Испаниянинг кўхна “ақл маркази” экспертлари таъкидлашча, буларнинг барчаси кўшнилари билан муносабатни яхшилашга қаратилган дипломатик саъй-ҳаракатлар билан бирга, мамлакат ичкарисиди ва ундан ташқарида илгари кутилмаган келажакка ишонч туйғусини шакллантираётми” деб таъкидлади. Аслида эса миллий ғоя ўзгача бир маънода– яъни у мамлакатимизда истиқомат қилувчи юздан зиёд миллат, элат ва этник бирликларнинг демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган жамиятдаги умум давлат, умуммамлакат тараққиёт ғоявий дастуридир. Бундай тушуниш давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил миллий сиёсатга асосланади, келажакда мамлакатимизда яшовчи барча катта-кичик миллатлар, халқларнинг умумий истиқболи ва равнақини тасаввур қилишга асосланади, миллатлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро дўстлик ва ҳурмат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳар қандай кўринишдаги миллий этник ва диний низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайди, уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Миллий ғоя: Ўзбекистонда ҳафвсизлик, умуминсоний ва диний бағрикенглик мувозанатини таъминлашнинг асосий шарти Миллий ғоя–миллаттафаккурининг кўп асрлик маҳсули ва давр тақозоси билан такомиллашиб боровчи узлуксиз ҳодисадир. Миллий ғоя–инсон ва жамият ҳаётига маъно–мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи, халқ ҳаётининг фикрий ифодасидир. Мақсад эса – халқни, миллатни бирлаштирувчи, унга кучқудрат, руҳий озуқа берувчи, истиқболга бошловчи байроқдир. Юртбошимиз фикрлари билан айтадиган бўлсак, «Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлантирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, кўлимизда енгилмас бир кучга айлансин!» Ҳозирги воқеликда Миллий истиқлол ғояси ва мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қаршитуриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгитиши учун ўзида огоҳлик, мафкуравий ҳафвсизлик, тўқислик, жанговарлик, сафарбарлик, умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Бунинг учун Миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан, бузғунчи ғоялар моҳиятини фош қилишга қаратилган тарғибот, мафкуравий мониторинг ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва қалбига етказиш,

жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиш тақозо қилинади.

Серкӯёш Ўзбекистонимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахтсаодати учун доимий маъсулият сезиб яшашида шу мукқадас замин учун фидойилигини ҳаёт мезонига айлантиришда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Бинобарин, миллий мафкураинг асосий ғояларини, турли миллатга мансуб аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш миллатлараро тотувликни таъминлаш ва юрт тақдирига даҳлдорлик тўйғусини тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Миллий мафкураинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш каби асосий ғоялари жамиятда комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни қарор топтириш билан бевосита боғлиқдир. Бунда ҳилма-ҳил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият касб этади. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувлик, барқарор тараққиётнинг мустақиллик кафолати вужудга келади. Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди. Қарашлар ранг-баранглиги, фикрлар ҳилма-ҳиллиги, сўз ва фикр эркинлиги жамиятни соғломлаштирувчи, уни мустаҳкамловчи ўта муҳим омилдир. Айни пайтда, фикр эркинлиги умумманфаат, умумжамият тараққиёти йўлида соғлом ҳаракат, соғлом фикр юритиш, иймон-эътиқод юзасидан иш тутиш демакдир. Зеро, жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтага жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни ўйғунлаштириш, эҳтиросларга берилмай, барча имкониятлардан ақл-идрок билан фойдаланиш оғир-вазминлик, мулоҳазарлик, андиша, узокни кўзлаб мақсадга интилиш ниҳоятда муҳим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳавфсизлигимизга таҳдид солувчи барча омилларга нисбатни ҳаммиша ҳушёр бўлиш ва уларга қарши фаоллик билан курашиш, фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳар бир ўзбекистонликнинг мукқадас бурчидир. Демократик жамиятда турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар бўлиши муқаррар. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин бу ҳолат жамиятни бўлиб юбормаслигига, балки улар умумий йўналиш бўйича

ягона Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилиши асосий тамойил бўлиб қолаверади. ХХI аср бошларига келиб иқтисодий, сиёсий, маданий ва ахборот соҳаларидаги ўзаро яқинлашув, мулоқот ва таъсир ўзининг юқори нуқтасига етди. Ислом мафкурасининг нафақат мусулмон дунёсида, балки ундан ташқарида ҳам таъсирининг тобора ўсиб бораётганлиги шундан далолат бермоқда. Иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг глобаллашуви сифатида дунёдаги ижтимоий жараёнларга ислом мафкурасининг таъсири ортиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад кадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторда қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” Бу вазиятда дунёвийлик ва динийлик мувозанатини таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқиши табиийдир.

### **ХУЛОСА**

Масаланинг ўзига хослиги шундаки, жамиятда толерантликни, жумладан, диний бағрикенгликни таъминламасдан туриб дунёвийлик ва динийлик мувозанатига эришиш мумкин эмас. Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосдаможаролар бўлмаган. Бу эса миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни кадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради.